



UZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY KITTAP PALATASI  
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 17 декабрь, № 243 (4653)

Чоршанба

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ



### Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам амалга оширилган ислохотлар самарасида қўлга киритилган ютуқларга тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, вилоятда йўл қўйилган хато ва камчиликларга эътиборни қаратиб,

уларни бартараф этиш йўллари белгилаб берди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. З. Ниязов Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинди.

Президент Ислон Каримов тавсиясига кўра, Куйичирчиқ

тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рустам Холматов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандислар марказининг бўлим бошлиғи Х. Тошматов, вилоят Маънавият тарғибот маркази раҳбари С. Курбонкулов, Куйичирчиқ тумани Али-

Шу йил 16 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.



(ЎЗА).  
Сервер ҲУМОНОВ  
олган суратлар.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### Р. Қ. Холматовни Тошкент вилояти ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:  
Рустам Курбоназарович Холматов Тошкент вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 16 декабрь

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### З. К. Ниязовни Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:  
Зиявитдин Кучкарович Ниязов Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 16 декабрь

Мен бир кекса оқинман. Умр бўйи Томди кенгликларда, чорвадорлар, чўпонлар орасида яшадим. Уларнинг ҳаёти, меҳнати, орзу-ўйларини дўбдўб оҳангларига солдим, термалар тўқидим. Шу билан, чорвадорлар ҳақида бир яхши сўзни эшитсам, улар билан бирга қувонаман, ҳаётида бир муаммони кўрсам, улар билан бирга ташвиш чекаман.

## ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

Президентимизнинг Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини бутун эл қатори телевизор орқали эшитдим. Юртбошимизнинг Навоий вилояти чорвадорлари меҳнати, донги дунёга кетган қорақул териларимиз ҳақидаги сикдикидан айтган таъриф сўзларини тинглаб, гурурландим.

Мени яна бир эътироф гурурландирди: давлатимиз раҳбари Навоий вилояти аҳолисини иродаси мустаҳкам, меҳнаткаш, мард ва ориятли халқ деб биламан ва ҳурмат қиламан, дедилар.

Чиндан ҳам, саратони жазирама, қиши қаҳратон Қизилқум саҳраларида, қолларда, қорхоналарда, далаларда, яйловларда меҳнат қилиб, бойлик яратиб, Ватанимиз иқтисодийнинг ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган бу халқ ҳар қандай мақтовга лойиқдир.

Бу халқ ҳурматга, эъзозга, эътиборга жуда-жуда муносиб. Биз миннатдормикки, Президентимиз, давлатимиз бутун мамлакат қаторида вилоятимиз аҳлининг эҳтиёжларини, орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида тинимсиз ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиб келаётганлар. Мана, яқинда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий

зонасини ташкил этиш тўғрисида янги Фармон қабул қилинди. Бу дастурий ҳужжат воҳодаги ҳаёт ва иқтисодийни юксалтиришда, шак-шубҳасиз, янги бир даврни бошлаб беради.

Юртбошимизнинг вилоят сессиясидаги нутқида вилоятдаги муаммолар атрофида таҳлил этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган

танқидий фикрлар, тақлиф ва ҳулосалар қўпгина одамларни, ҳар биримизни ҳушёр тортириши керак.

Ишончимиз комил: сессия иши, Президентимизнинг чуқур танқидий-таҳлилий нутқи вилоят ҳаётига соғломлаштирувчи таъсир кўрсатади, бу

ердаги улкан, кенг қамровли бунёдкорлик ишларини бошқариш, воҳани ободонлаштириш, аҳоли турмушини фаровонлаштириш йўналишларида тўб ўзгаришлар қилинади. Юртбошимиз айтганларидай, раҳбарлардан тортиб оддий кишигача, ҳар бири юртни, унинг ривожу равнақини ўйлаб яшашни, юртини ўйлаган инсон ҳеч қачон кам бўлмастлигини дил-дилдан ҳис этиши керак. Шундагина тараққиёт ҳам, ризқу барака ҳам истаганингча бўлиши табиий.

Абдумурат ЖАНАХМЕТОВ,  
пенсияер,  
Томди тумани.

### Дил сўзи

### Тадбир

Тошкентда КА DATA автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимининг тақдироти бўлиб ўтди.

### АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ ТАҚДИМОТИ

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази, Радио-техника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан ташкил этилди.

Учрашувда мазкур янги ишланма мамлакатимиз Президентини Ислон Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қўшилган яна бир ҳисса экани таъкидланди. Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган 14 та ахборот-кутубхона ва 1150 дан ортиқ ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси замонавий компьютер техникаси, энг янги ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғига уланган. Ҳозир олис аҳоли пунктлари учун мўлжалланган кўча кутубхоналар — библиоуслар ҳам ташкил қилинмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Парижда, мамлакатнинг нуфузли «MEDITRAD» сайёҳлик агентлиги қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Тадбир мазкур агентлик ва мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тақдирот маросимида «Banque de France», «Credit Mutuel», «Societe Generale», «IBM France», «Fortis», «Sogitec», «Dassault Systemes» каби Франциянинг бир қатор етакчи сайёҳлик агентликлари, йирик банк ва компаниялар вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар эътиборига Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, соҳанинг истиқболли йўналишлари ривожини, халқимизнинг бой маданий ва маънавий мероси, ноб тарихий обидалари, мамлакатнинг географик

жойлашуви, табиати ва иқлим шароитлари ҳақида маълумот берилди.

«Ўзбекистонга ҳуш келибсиз» видеофильми орқали тадбир қатнашчилари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, бетакрор миллий уйғунлик, тез суръатда ривожланаётган инфрақурилиш ва маънавий мероси, ноб тарихий обидалари, мамлакатнинг географик

### Ҳамкорлик

си, энг диди нозик сайёҳни ҳам ўзига ром этувчи аjoyиб табиати билан бевосита танишишди. «ARTICLEONZE tourism» сайёҳлик компанияси янги йўналиш-

ларни ривожлантириш бўлими бошлиғи Кристель Казин хоним ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари бўйича ихтисослашган мазкур компания миқозларни қизиқтирадиган янги йўналишларни излаб топиш билан шуғулланишини билдирди. «Ишонч билан айтишим мумкин, бизнинг жуда кўп миқозларимиз халқингиз томонидан авайлаб-асраб келинаётган ноб маданий меросни кўриш мақсадида Ўзбекистонга боришни исташади». У ушбу компаниянинг яқин келажақда мазкур сайёҳлик йўналишини ўзлаштириш бўйича иш бошлашини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакат бўйлаб

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда маҳалла фаоллари, хорижий ташкилотлар вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

### Оқибатни эъзозлаган эл

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида кам таъминланган оилалар, ёлғиз, кекса ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Халқимизга хос бағрикенглик ва саховатпешалик фазилатлари асрлар давомида бебаҳо аъёна сифатида эъзозланиб келинган, — дейди «Наврўз» халқаро хайрия жамғармасининг ижрочи директори Зокир Раулов. — Бу каби зағу фазилатларни ёшлар онгу шуурига сингдириш,

фарзандларимизни умуминсоний қадриятларга эътиром руҳида тарбиялашда ана шундай хайрия тадбирларининг аҳамияти бекиёсдир. Зеро, бугун савоб, беминат кўмак, кўнгли ярим инсонларга маънавий жиҳатдан суянич бўлишдек хислатлардан ибрат олиб улғайган авлод келувчида фажат зағу ишларга қодир шахслар бўлиб қамолга етади.

Юртингизда кўмакка муҳтож инсонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига юксак эътибор қаратилар экан, — дейди қорейлик меҳмон Рональд Хонг. — Қасбим тақозосига кўра, жаҳоннинг қўллаб мамлакатларида бир неча йиллар мобайнида истиқомат қилишимга тўғри келган. Лекин ҳеч бир юрдада ўзбеклардек бағрикенг элни уратмаганман.

Хайрия тадбирида пойтахтимиз маҳаллаларида истиқомат қилувчи жисмоний имконияти чекланган кишиларга протез-ортопедия мосламалари ҳамда дори-дармонлар топширилди.

Тадбир якунида санъат усталари ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

М. ОХУНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Кардиология муаммолари тадқиқоти**

Юрак муолажасининг замонавий муаммолари тадқиқоти бағишланган ушбу тадбирда юрак-қон томир касалликлари-нинг олдини олиш, даволаш, ташхис қўйиш борасидаги янги на ёндашувлар ҳамда илмий изланишлар хусусида сўз борди. Иштирокчилар Андижон давлат тиббиёт институти олимларининг тадқиқотлари, амалиётлари билан яқиндан танишдилар.

Анжуман доирасида дунёнинг етакчи фармацевтика саноати компанияларининг юртимиздаги ваколатхоналари томонидан уюштирилган кўрғазма намойиш этилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Сифат — бош мезон**

«Жарқўрғон қурилиш конструкциялари» масъулияти чекланган жамияти жамоаси 2008 йилда қарийб 400 миллион сўмлик товар маҳсулотларини ишлаб чиқариб, белгиланган режани икки баравар ошириб бечарди. Бу қорхона цехларида қўйилган бетон ашёлари, темирбетон плиталарининг сифатли эканлигиндан далolatлар.

Айни пайтда қорхонада қасаначилик асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш жараёнилари давом этмоқда.

О. УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН**

2008 йилда мамлакатимизда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида белгиланган чоратадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан

1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Бундан мақсад янги авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт қўққиларини эгаллаши, ўз қўбилият ва имкониятларини тўлиқ намойиш этиши учун давлатимиз, жамиятимиз томонидан шароит туғдиришдир.

**Юртимизда инсон қадрли ва манфаатлари ҳар нарсадан устун саналади. Зеро, истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқамаллик тараққийига дахлдор неки бўлмасин, бари энг аввало, халқ ва жамият манфаатларига хизмат қилиши керак, деган тамойил бош мақсад сифатида намойи бўлиб келаётганлиги барчага аён ҳақиқат. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар ҳам тув мазмун-моҳиятига кўра, эл тинчилиги, фаровонлиги ва манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад билан ҳамоҳанг эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Буни Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.**

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Йилгида мамлакатимизда олиб борилаётган муҳим масалалар қатори ёш авлод таълим-тарбияси қаратилган эътибор, бу борда эришилган заъварли ютуқларимиз эътироф этилди. Инчунин, Ёшлар йили муносабати билан амалга оширилган ишлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларга мувофиқ, таълим-тарбия жараёни йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Навқирон авлод вакилларининг истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбия топишлари, ўз мақсади йўлида қатъий, оқилу доно ёшларни камолга етказиш, энг аввало, уларнинг бугунги олаётган сабақлари, эришадиган ютуқ ва муваффақиятларига боғлиқдир.

Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаёта татбиқ этила бошланганидан буюн, ҳар йили ёшларнинг юксак шарт-шароитлар асосида илму ҳунар эгаллашларига хизмат қилувчи кўлаб таълим даргоҳлари қад ростламоқда. Биргина жорий йилда 370 миллиард сўм маблағ сарфланиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, энг чека қишлоқ жойларида 184 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилганлигини ўзбек фикримиз тасдиқидир. Албатта, бу бунёдкор-

ликлар эртанги кун ворисларининг пухта билимли, юксак салоҳиятли ва малакали мутахассис бўлиб етишларини таъминлайди. Бинобарин, фарзандларнинг эртанги бахтли ҳаёти бугун уларнинг оила, боғча ва мактаб, коллеж ҳамда лицейда оладиган таълим-тарбиясига боғлиқдир. Шу боис, халқимизда бола тарбиясига жиддий эътибор билан ёндашиш муҳим бурч ва масъулият саналади. Мустақил мамлакатимизнинг ёруғ келажаги йўлида, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни камолга етказиш учун доимо шундай бўлмоғи ҳам керак, аслида.

Президентимиз ҳар гал ёшлар ҳақида сўзлаганларида, навоқирон йигит-қизларимизга катта ишонч билдирадидилар. Бу юксак ишонч, аниқки, олпоқ орзулар оғушида улғаяётган ҳар бир ёш учун шараф ва айна пайтад, улкан масъулият ҳамдир. Зеро, ёшларга ғамхўрлик амалда ўз ибодтини топаётганлиги, келажагимиз ворислари учун барча соҳада зарур шарт-шароитлар яратилганлиги ҳар бир йигит-қизни ана шу масъулиятни теран ҳис этган ҳолда юрт тараққийига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Мамлакатимизда янгилашиб келаётган янги — 2009 йилга «Қишлоқ тараққийоти ва фаровонлиги йили»

деб ном берилгани ҳам юртдошларимизнинг айна дилидаги гап, ёруғ келажаққа ишончимизни мустаҳкамловчи омил бўлди, дейиш мумкин. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳаётимизнинг бугунгидек фаровонлиги, дастурхонимизнинг тўқиллиги, мева-сабзавотларимизнинг мўл-деб ном берилгани ҳам юртдошларимизнинг айна дилидаги гап, ёруғ келажаққа ишончимизни мустаҳкамловчи омил бўлди, дейиш мумкин. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳаётимизнинг бугунгидек фаровонлиги, дастурхонимизнинг тўқиллиги, мева-сабзавотларимизнинг мўл-деб ном берилгани ҳам юртдошларимизнинг айна дилидаги гап, ёруғ келажаққа ишончимизни мустаҳкамловчи омил бўлди, дейиш мумкин.

**Нигох**

кўллиги, аввало, далаларимизда етиштирилаётган ҳосил парваришига бориб тақалади. Шундай экан, қишлоқларимизда меҳнат қилаётган заҳматқар деҳқонлар, фермерларга муносиб шариот яратиб бериш, уларнинг электр энергияси, газ таъминотига бўлган эҳтиёжларини қондириш, бир сўз билан айтганда, ҳар бир масканни обод қўшага айлантириш мамлакатимиз тараққийоти, янада фойз-баракотли бўлишига хизмат қилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, истиқлол йилларида қишлоқларимиз шаҳардан қолишмайди-ган шарт-шароит ва кўркам қиёфага эга бўлиб бормоқда. Бу янгиланишларни таълим тизими мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бугун нафақат марказда улғайган, балки энг олис қишлоқдаги ёшлар ҳам ўз иқтидор ва билимини кенг микёсда намойи этаятир. Буни бугун на-

фақат ўзимиз, балки бутун жаҳон аҳли тан олаётганлиги, эътироф этаётганлиги ва бундан ҳар биримиз ифтихор ҳиссини туйиб яшаётганлигимиз билан ҳам тасдиқлаш мумкин. Зотан, истиқлол туйғайи пок ният ва орзуларимиз рўёбга чиқди ва энг муҳими, бундай зафарлар бизга шубҳагумон билан қарайдиганларни нафас қотишга мажбур қилмоқда...

Энг муҳими, эндиликда қишлоқ-да яшайдиган бола учун шаҳарда-

Ёшларимизнинг жаҳон андозалари даражасидаги шароитда билим олишини таъминлашдан кўзланган эзгу мақсад, энг аввало, ўзига ишончи банд, иродаси мустаҳкам, танлаган йўлида собит, ўз касбига фидойи ёшларни камол топтиришидир. Бинобарин, ўқув масканларининг кўркам ташқи кўриниши билан бирга таълим даргоҳларида ўқитиш сифатини ошириш, ўқитувчи меҳнатини муносиб рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги инобатга олинса, келажак равнақи йўлида нечоғли улғу ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Сўзимиз исботи учун рақамларга эътибор қаратсак. Утган давр мобайнида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида жами 6544 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 275 та янги мактаб биноси барпо этилган бўлса, 1757 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шунингдек, 2866 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилиб, 1646 та мактаб жорий таъмирланди. Бу ишларга Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 962,7 млрд. сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси шундаки, қўриб фойдаланишга топширилган ҳамда таъмирланиб, қайта чирой оingan 6544 та таълим муассасасидан 5284 таси (80,7 фоиз) қишлоқ ҳудудларида, 198 таси (3,1 фоиз) бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда, қолган 1062 таси (16,2 фоиз) эса шаҳарларда барпо этилди.

Буларнинг бари, тантанали йилгида Президентимиз катта мамнуният билан эътироф этанидек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаёта ижро этилаётганлиги самарасидир. Ушбу эзгу ва улғувор савий-ҳаракатлар навоқирон авлодни биз қўраётган жамиятнинг халқ қилувчи кучига айлантиришдек эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли эканиги бугун ҳаётга дадил қадам қўяётган минглаб ўғил-қизлар шайхотни мисолида намойи бўлмоқда.

Ана шу дадил одимга кўз тегмасин, дейми!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**



## ЛЕЙПЦИГДА ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙИ КЎРГАЗМАСИ

**Яқинда Германиянинг кўҳна ва йирик маданий марказларидан бири ҳисобланган Лейпциг шаҳридаги «ГРАССИ» этнография музейида «Бир шаҳар қиёфаси: Тошкент — 2200 ёшда» мавзусида суратлар кўргазмаси очилди.**

Ушбу маданий тадбир мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ташаббуси билан Тошкент Фотография уйи ҳамда Саксония федерал ўлкасининг Фан ва маданият вазирилик ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида Саксония федерал ўлкасининг давлат идоралари, сиёсий-иқтисодий, илмий-маданий доиралар, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

«ГРАССИ» этнография музейи директори, доктор К. Даймел кўргазмани очар экан, Ўзбекистон ўзининг қадимий шаҳарлари ва маданияти ҳамда дунёга дони кетган тарихий-меъморий обидалари билан ҳамisha дунё сайёҳларини ўзига жалб қилиб келганини таъкидлади. «Бугунги кўргазма воситасида 2200 йиллик тарихга эга бўлган Тошкент шаҳри билан янада яқинроқ танишиш имкониятини яратилгани шаҳар маданий ҳаётидаги ёрқин ва унутилмас воқеалардан бўлиб, қоладиде, деди у.

К. Даймел тадбир иштирокчиларига ушбу музейда 2007 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон учун алоҳида бўлим ажратилган бўлиб, унда ўзбек халқининг бетақдор маданияти ва тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатлар намойиш этилиб келинаётганини маълум қилди.

Мамлакатимиз пойтахтининг бой тарихи ва замона-

вий ҳаёти манзаралари акс этган 40 дан зиёд фотосурат ушбу кўргазма пештахталаридан жой олди. Уларда асим Тошкент шахрининг турли замонлар силсилаларидан мардонаворлик билан ўтгани, ҳамisha яратиб, бунёдкорлик иши билан яшаган шаҳар халқининг ўтмиши ва бугунги фаровон ҳаёти ўз аксини топган.

Тадбирда санъаткор Ари Бобохонов томонидан қашқар рубобирида ижро этилган ўзбек мумтоз куйлари кўргазманинг очилиш маросимида алоҳида сукуҳ бахш этди.

Саксония федерал ўлкаси Фан ва маданият вазириликнинг маданият бошқармаси раҳбари Томас Фроу Кўргазмадан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, «Эътиборга молик яна бир жиҳат шу бўлдики, бу ерда суратлар билан бирга халқинингнинг таъкидлади. Берлиндаги элчихонаси ташаббуси билан Тошкент Фотография уйи ҳамда Саксония федерал ўлкасининг Фан ва маданият вазирилик ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида Саксония федерал ўлкасининг давлат идоралари, сиёсий-иқтисодий, илмий-маданий доиралар, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

«ГРАССИ» этнография музейи директори, доктор К. Даймел кўргазмани очар экан, Ўзбекистон ўзининг қадимий шаҳарлари ва маданияти ҳамда дунёга дони кетган тарихий-меъморий обидалари билан ҳамisha дунё сайёҳларини ўзига жалб қилиб келганини таъкидлади. «Бугунги кўргазма воситасида 2200 йиллик тарихга эга бўлган Тошкент шаҳри билан янада яқинроқ танишиш имкониятини яратилгани шаҳар маданий ҳаётидаги ёрқин ва унутилмас воқеалардан бўлиб, қоладиде, деди у.

К. Даймел тадбир иштирокчиларига ушбу музейда 2007 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон учун алоҳида бўлим ажратилган бўлиб, унда ўзбек халқининг бетақдор маданияти ва тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатлар намойиш этилиб келинаётганини маълум қилди.

Мамлакатимиз пойтахтининг бой тарихи ва замона-

**«Жаҳон» АА.**  
Берлин

### «Янги қонунлар моҳияти»

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация этишда қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш муҳим ўрин тутади. Зеро, ислохот ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий негизини нафақат тушуниш, балки уларни амалиётда татбиқ этиш ҳам ҳаётнинг заруратидир.

Мамлакатимизда икки палатали парламент тизими жорий этилганидан сўнг, давлатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётига дахлдор қўлаб қонунлар қабул қилиниб, маълумлашди ва кўнга киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти илмий ҳодимлари томонидан нашр этилган «Янги қонунлар моҳияти» — «Суднонь новых законов» номли илмий-амалий кўланмада айна шу қонунларнинг мазмун-моҳиятини тартиб қилиш, кенг оммага тушунириш мақсади қилиб олинган.

Мазкур илмий-амалий кўланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 8-14-йили мажлисларида маълумланган қонунларнинг мазмун ва моҳиятига бағишланган таҳлилий мақолаларни ўз ичига олган еттита бобдан иборат.

Чунонки, кўланманинг биринчи бобида уй-жой мулкдорлари ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қаболатлари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши, давлат божиноа хизматиға оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ва мамлакатимизда бўлиш шартларини бузганлик учун жавобгарлик, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни амалга ошириш ҳамда бошқа ҳуқуқий мажмуалар ҳусусидаги таҳлилий мақолалар ўрин олган.

Мамлакатимизнинг амалдаги қонун ҳужжатлари, қолаверса, халқор ҳуқуқнинг бу бордаги талаблари тақос ва мисоллар ёрдамида таҳлил этилган мазкур мақолалар жамланмаси янги қонунларни тартиб қилишда, унинг мазмунини аҳолига, айниқса, ёшларга етказишда, барча соҳалардаги ислохотлар ва демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий асосларини теран англашда муҳим аҳамият касб этади.

**Н. НАРМАТОВ,**  
ҳуқуқшунос.

## МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

**Наманган вилоятида 16 ёшга тўлган турли миллат ёшларига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Анжуманда вилоятда фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар раҳбарлари ва ҳуқуқшунос мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, барча миллат вакилларининг тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида эмин-эркин яшаб, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар алоҳида эътироф этилди.

**СУРАТДА:** тадбирдан лавҳа.  
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА)** олган сурат.

## ТУРИЗМ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ургач шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши билан биргалликда «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятидаги ижросини ўрганиш натижаларига бағишланган кўшма сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни қўмита раиси Эркин Воҳидов олиб борди.**

Мажлисда таъкидланганидек, вилоятда юқорида номи зикр этилган Қонун ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, вилоятда чет эллик сайёҳлар оқими йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2008 йилнинг 10 ойи мобайнида 2267206,5 минг сўм ҳажмида туристик хизматлар кўрсатилди. Экспорт ҳажми 1512,1 минг АҚШ долларини ташкил этди. Шу мuddатда Хоразмга 42 мингга яқин сайёҳ ташриф буюрган бўлса, шундан 37,5 минг нафари хорижликдир.

Вилоятда туризм билан шуғулланаётган ташкилотлар кўпайиб, 20 тага етди. Бугунги кунда улар иштирокида сайёҳликни ривожлантиришга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, «Ургач» халқаро аэропортида барча турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш имконияти мавжуд. Вилоятдан халқаро аҳамиятга

**Қонун ва ижро**

эга автомобиль ва темир йўллар ўтган, аҳолига жаҳон андозаларига мос алоқа тизими хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бу ерда республикадаги энг узун «Ургач — Хива» троллейбус йўналиши фаолият кўрсатапти. Айни пайтад вилоятда «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш борасида бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилди. Аввало, Қонун ижросини таъминлаш

транспорт-коммуникация масалалари ҳақида гапирар экан: «Мен ўзим учун маърифатли, самимий, меҳмондўст халқ истиқомат қиладиган маданий ва маънавий жиҳатдан бой мамлакатни кашф этдим. Ўзбекистонга яна бир бор сафар қилишни ва мамлакатнинг кўп қиррали маданиятидан ўзим учун янги-янги ўқларни очишни истардим», дея қайд этди.

**«Жаҳон» АА.**  
Париж

## ЭКИН ПАЙҲОН БЎЛМАСИН

**Ернинг ҳар қаричини қадрлаган деҳқонларимиз ҳар йили мўл-кўл रिққ-рўз яратмоқда. Аммо айрим қишлоқларнинг маъсулиятсизлиги, бепарварлиги туйғайи пешона тери эвазига етиштирилаётган экин пайҳон қилинмоқда, деҳқон манфаатларига зарар етмоқда, रिққ-рўзимиз увол бўлмоқда.**

Ғузур туманидаги Халқобод қишлоғида яшовчи Химматилло Дониёровга тегишли 10 бош қорамол шу ҳудуддаги «Орол Раҳимов Турк-нович» фермер ҳўжалигининг ғалла майдониға кириб, 0,07 гектар ердаги экинни пайҳон қилган. Фермер бундан нафақат моддий, балки маънавий зарар ҳам кўрди. Туман ички ишлар бўлими ҳодимлари томонидан ушбу ҳолат тегишли тартибда ўрганилиб, чора қўриш учун Бундан маҳалла фуқаролар йиғинига юборилган. Чора моли эғаси жаримаға тортилган.

Ҳудди шундай ҳолат Китоб туманидаги «Саттор бобо» фермер ҳўжалиги даласида ҳам кузатилган. Аниқланишича, тумандаги Халоват қишлоғида истиқомат қилувчи Нодир Шариповга тегишли қорамол ва қўйлар фермер

ҳўжалигининг 0,06 гектар майдонидаги ғаллани нобуд қилган. Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси маълумотларига

лик билан ҳамкорликда экинзорларнинг пайҳон бўлиши ҳолатларини аниқлаш ва бундай қондабузарликларнинг олдини олиш бўйича мунтазам рейд текширувлари ўтказилмоқда. Йўл ёқаларидаги экин майдонларининг атрофи четан тўсиқлар билан ўралмоқда. Пайҳон нафақат экиннинг रिққосодий режаларига ҳам пурта етказди. Шундай экан, रिққимиз манбаи — экинзорларни пайҳондан асраш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз бўлмоғи керак.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**  
ЎЗА мухбири.

## ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКISTON САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

**«СЕРАС» компанияси директори М. Пурасе ўзининг Ўзбекистонда бўлган ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, мамлакатимизнинг табиий шарт-шароитлари, миллий боғларнинг қўлиги, замонавий меҳмонхоналар тармоғи, сайёҳлик мажмуалари,**

ёҳлик салоҳиятини оширувчи омил бўлиб хизмат қилади, — дейди у. — Биз келгуси йилда компаниямиз бир гуруҳ мутахассисларининг Ўзбекистон сайёҳлик бозорини бево-сайта ўрганиш учун юртингизга бориб келишини ташкил этишни режалаштирганмиз».

**«СЕРАС» компанияси директори М. Пурасе ўзининг Ўзбекистонда бўлган ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, мамлакатимизнинг табиий шарт-шароитлари, миллий боғларнинг қўлиги, замонавий меҳмонхоналар тармоғи, сайёҳлик мажмуалари,**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 16 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, ичинингдек, божиноа ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳаржиз валюталарини сўмаи небастан қўйидаги қийматини белгилади: \*)

1 Австралия доллари	925,70	1 Малайзия рингити	388,90	1 ЕВРО	1865,50
1 Аустрия фунт стерлинги	2081,50	1 Польша злотийи	475,96	10 Жанубий Корея воли	10,24
1 Дания кронаси	250,52	1 СДР	2099,03	10 Япония иенаси	152,24
1 БАА дирҳами	376,77	1 Туркия лираси	890,99	1 Россия рубли	49,76
1 АҚШ доллари	1383,70	1 Швейцария франки	1182,25	1 Украина гривнаси	184,82
1 Миср фунги	251,35				
1 Нидерланд кронаси	11,89				
1 Канада доллари	1118,96				
1 Ҳаной воани	202,12				

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Бедарак йўқолди


«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Нигер давлатида БМТнинг махсус вакили Роберт Фуллер бедарак йўқолган.

Фуллер уч нафар кузатувчиси билан мамлакат шарқида қараб йўл олгани буйича ундан ном-нишон йўқ. Душанба куни у кетган машина мамлакат пойтахтидан 40 километр узоқликдан топилган. Унда учта қўл телефони, видеокамера ва вакилга тегишли кийимлар бор эди, холос.

Роберт Фуллер 1995-2000 йиллар мобайнида БМТнинг Канададаги вакили сифатида фаолият кўрсатган. Айни пайтда у мазкур ташкилотнинг ноқонуний қўрол-яроғ савдосига қарши курашиш буйича махсус вакили вазифасида ишлаётган. Фуллер Нигерга мазкур мамлакат мустакиллигининг 50 йиллик тантаналарида иштирок этиш мақсадида ташриф буюрган.

Норозиликларга қарамай...

Америка ҳарбийлари душанба куни Покистоннинг Шимолий Вазирстон музофотида жойлашган жангарилар маконига ракета ҳужумини амалга оширди. Бу ҳақда «France Presse» ахборот агентлиги маълум қилди.



Натيجда икки нафар «Толибон» ҳаракати жангариси йўқ қилинган, учтаси жароҳат олган. Маҳаллий ҳукумат вакиллари мазкур ҳужум қандай амалга оширилгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасликларини айтиб ўтишган. Тажминларга кўра, ҳаво зарбаси ўн учинчиси бошқариладиган самолёт ёрдамида содир этилган бўлиши мумкин.

Беҳуда харажатлар

2001 йилдан буйн Ироқ ва Афғонистонда олиб борилаётган жанговар харажатларга 904 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланди, дея маълум қилди «Reuters» ахборот агентлиги.

Ана шу пуллarning 687 миллиарди Ироқдаги, қолган қисми эса Афғонистондаги урушга йўналтирилган. Тақдирчиларнинг фикрича, бундай вазитнинг руй беришига президент Жорж Буш маъмурияти олиб борган нотўғри сиёсат сабаб бўлган.

Мақсади маълум эмас

Франция полицияси мамлакат президенти кароргоҳи ҳисобланмиш Елисей саройи олдида қуролланган шахсни қўлга олди.

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабарига келтирилишича, шахси ошқор этилган бу кимса қўлида пичоқ билан саройга киришга уринган. Унинг асл мақсади номаълумлигига қолмоқда.

Айтиш жоизки, воқеа содир бўлган вақтда мамлакат президенти Никола Саркози Черногория бош вазири Мило Дуканович билан учрашув ўтказётганди.

Жиноятчилар қўлга олинди

Италия полицияси Палермо ва Сицилия шаҳарларида олиб борган тезкор харажатлар натижасида «Коза Ностра» жиноий гуруҳининг 100 га яқин аъзоси ҳибсга олинган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари сўзларига қараганда, қўлга олинганлар орасида жиноий тўда етакчиларидан бири Маттео Мессина Денаро ҳам бор. Бир неча йилдан буйн кидирувда бўлган бу жиноятчи 1993 ва 2002 йилларда умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган эди.

Бахтсиз ҳодиса

АҚШнинг Калифорния штати Анахайм шаҳридаги коллеждардан бирининг томи қулаб тушиши натижасида ўнга яқин киши жароҳатланди.



Воқеа коллежда машғулотлар олиб борилаётган вақтда юз берган. Тахминларга кўра, тинимсиз ёққан ёмғир туфайли томда ҳаддан зиёд сув тўпланиши қоллиши шундай бахтсиз ҳодисани келтириб чиқарган.

Айни вақтда воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилюқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон давлат санъат институти

2008 йил кундузги бўлим аспирантурага куйидаги мутахассисликлар буйича қабул эълон қилади:

- 17.00.01 — Театр санъати — 1 ўрин.
17.00.03 — Кино санъати — 1 ўрин.
09.00.04 — Эстетика — 1 ўрин.
17.00.08 — Маданият тарихи ва назарияси — 1 ўрин.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Манзил: Тошкент шаҳри, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй, В1-2-хона.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Асосий Қонунимизнинг мамлакатимиз тараққиётининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи омиллари ва аҳамияти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

ХАЛҚ БУНЁДКОРЛИГИ ИФОДАСИ

Дарҳақиқат, ҳаётнинг ўзи, мамлакатимиз эришаётган юксак марралар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган, халқимизнинг орзу-умидлари, бунгунги ва келажак манфаатларига ҳаво берадиган қоида ва принципларнинг нақадар тўғри эканини ибтиботламоқда. Зеро, Конституциямиз мустақил Ўзбекистон ва халқимиз муносабатларининг қонуний ифодаси бўлиб, ҳақиқий халқ ҳокимияти, фуқаролик жамиятини шакллантириш, мулкчиликнинг янги шакллари жорий этилиши, жамиятда шахс эркинлигининг қарор топишига хизмат қилиб келмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий менталитетимизга хос фазилатлар, юртимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элзатларнинг тил, урф-одат ва аънаналарига ҳурмат, уларнинг эркин камол топиши учун кенг шарт-шароитлар яратиш Қомусимизнинг ҳуқуқий мезъорларида ўз ифодасини топган.

Халқроқ экспертларнинг эътирофи этишларига, Ўзбекистон Конституцияси халқроқ ҳуқуқ талаб ва мезъорларига мувофиқдир. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлайди ҳамда ҳақли равишда дунёда энг демократик Конституциялардан ҳисобланади. Бу, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг иродасини акс эттиришда намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий ва

ижтимоий аҳамиятга молик ислохотларнинг изчил тарзда амалга ошириб келинаётгани ҳам шу улуг мақбала — Ўзбекистоннинг буюк келажакни таъминлашни кўзлайди. Жумладан, бу борада демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси яратил-

етишда қатнашаётир. Бундай фаоллик халқнинг ўзи сайлаган жамоалари — депутатлар орқали ижтимоий-сиёсий масалаларнинг қўйилиши ва ҳал этилишида яққол кўзга ташланмоқда. Шунингдек, фуқаролик жамиятини шакллантиришда халқнинг ягона куч сифатида майдонга келиши унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа масалаларга иxtисослашган турли бirlашма ва ташкилотларга уюшиб, фаолият юритишда ҳам намоён бўлаётир. Халқимизнинг дунёқарши, ижтимоий-амалий ҳаётдаги ўрни ошган, қўллаб-қувватлаб бirlашмалари вуқудга келди. Ҳозирда уларнинг сони уч юзтадан ортқк бўлиб, олтимиш тўртта-

Мамлакат Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги тузатишлар фуқаролар, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувида янада фаол иштирок этишларига кенг имкониятлар яратди. Бу эса, албатта, жамият ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаолликни янада ошириш, фуқароларнинг ислохотларда фаол иштирок этишини таъминлаш, мамлакатни модернизация қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, ўзини ўзи

си халқроқ ташкилотлардир. Айни пайтда фаолият кўрсатган нодавлат ташкилотлари жамғарма, жамият, сиёсий партия, федерация, қасаба уюшмалари, ҳаракат, марказ, ассоциация, уюшма, қўмита шаклида расмий рўйхатдан ўтган. Бун-

Анжуман

Дастур самарадорлиги учун
Пойтахтимиздаги «Марказий» меҳмонхонасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг миллий менежерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурини амалга оширишдаги фаолияти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти учун маҳалли кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришга кўмак бериш Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг устувор йўналишларидан биридир. Утган давр мобайнида палата ҳудудий бўлимининг ахборот-маслаҳат марказлари томонидан 40 миңдан ортқк тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатилди. Шунингдек, 10 миңдан ортқк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларининг маҳаласи очирилди.

Бундан ташқари, палата қошидаги иxtисослаштирилган марказларда ҳудудий бизнес таълимини ривожлантириш доирасида 150 нафарга яқин ҳудудий бўлиминлар ҳодимлари ўқутилди. Шунингдек, палата аъзолари, яъни тадбиркорларнинг 216 нафарига Германия, Хиндустон, Япония, Малайзия, Тайван, Туркия, Исроил каби ўнга яқин давлатларда турли халқроқ дастурлар доирасида уюштирилган курсларда таълим олдилар.

Мариб ОТАЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси депутати. Юнус БЎРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Еш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Республика ахборот-кутубхона маркази мутахассислари кутубхона маълумотларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқди.

Еш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказидан КА DATA лойиҳаси раҳбари Дилмурод Каримбердиевнинг таъкидлашича, дастурий таъминот (ДТ) ўзбек ва рус тилларидаги интерфейсли электрон кутубхоналар тизимини кучайтиришга хизмат қилади.

Бундай ёндашув натижасида турли кутубхоналарда киритилган библиографик маълумотларни бир ҳолида тўплов мумкин. Бу эса марказлаштирилган тармоқ орқали бир қанча кутубхона ва китобхоналар ўртасида библиография ахбороти алмашишни таъминлайди.

Маълумот узатиш тармоғидан фойдаланиш имкони бўлмаган пайтда эса «КА DATA»нинг таркибий қисмлари бўлган «Мамъур», «Каталогизатор», «Комплекатор», «Китобхон», «Китобларни бериш», «Китобхонларни рўйхатла олиш» каби автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Янгилик, шубҳасиз, аҳолининг барча қатламларига жаҳон илм-фани ва маданияти дурдоналаридан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, у китобхоналарга хизмат кўрсатиш, китоб бериш, кутубхонага келиш буйича статистика маълумотларини тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишларини енгиллаштиради.

В. НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Савоб

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий ҳизмати» маркази шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Сенга сова» лойиҳасини амалга оширди.

МЕҲР ОҒУШИДА

Бундан мақсад кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда ногирон ёшларга меҳр улашиш, уларга моддий кўмак бериш эди. Шаҳардаги барча умумтаълим мактабларининг ўқувчи-ёшлари жалб этилган мазкур лойиҳа уч боқисида ўтказилди. Фаол ўқувчилар томонидан жамланган иссиқ кийим-кечаклар, ўқув қуроллари, юмшоқ ўйинчоқлар шаҳардаги Меҳрибонлик йилари, мактаб-интернатлар, тарбияси оғир болалар реабилитация маркази тарбияланувчиларига тақдим этилди.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Йилнинг намунаси солиқ тўловчиси»

Пахтакор туманидаги «Инсон ҳиммати» фермер хўжалиги Жиззах вилояти солиқ бошқармаси томонидан «Йилнинг намунаси солиқ тўловчиси» деб эътироф этилди.

Бу йил 350 гектар ерда галла, 400 гектар майдонда пахта етиштирган хўжалик деҳқонлари мева-сабзавот, полиз маҳсулотларидан ҳам яхши даромад қилдилар. Йил давомида солиқ тўловларини муддатда, тўла бажариб келган фермер хўжалиги яқиний даромадларни ҳисоб-китоб қилиб, давлат хазинасига яна 44 миллион 998 миң сўм солиқ тўлади. Шу боис ҳам жамоага солиқ бошқармасининг махсус соваси ва миннатдорлик мактуби топширилди.

Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ РОССИЯНИНГ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАРДА ПАРВОЗ ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.



ВЛАДИВОСТОК 405 ЕВРОдан (бир томонга)
ЮЖНО-САХАЛИНСК 480 ЕВРОдан (бир томонга)
ХАБАРОВСК 425 ЕВРОдан (бир томонга)
ДИККАТ! Янги телефонлар: 227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯСИ
www.transaero.ru

Завод ТЕМЗ изготавливает и реализует: КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А. Предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий. Технические характеристики: грузоподъемность 8т, длина стрелы 30м, высота подъема 41,5м.

АВТОКРАНЫ: КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ, КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ, КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ. Возможен монтаж на шасси заказчика. Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.

Спорт Sport Спорт

Чемпионлар лигасининг янги рамзи

Маълумки, 2009 йилдан бошлаб футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси ўйинлари янги тизимда ўтказилади. Кеча Токиодаги "Toyota Mega Web" офисда мусобақанин янги рамзи тақдирот маросими бўлиб ўтди, деб хабар беради Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати.



Унда ФИФА президенти Йозеф Блаттер иштирок этиб, кейинги йилларда Осиё қитъасида футбол жадаллик билан ривожланиётгани алоҳида таъкидлади. Бу йилги мусобақаларда қўтанинг 10 та давлатидан 32 та кучли (Шарқ ва Фардан 16 тадан) жамоа 8 гуруҳга бўлиниб, кейинги босқичга чиқиш учун курашиб боради. Икки давлати мусобақа якунига кўра, ҳар бир гуруҳдан иккита кучли жамоа 1/8 финалга йўл олади ва унда гуруҳ ғолиблигининг майдонида биттадан ўйин ўтказилади.



Очиқ тарзда ўтказилган куръа (Фарб вакиллари Шарқ билан ўйнашди) 1/4 финал босқичида рубубў бўладиган жуфтликларни аниқлаб беради. Қорак ва ярим финал босқичида рақиблар ўзаро икки ўйинда (уйда ва меҳмонда) учрашади.

Мусобақанин ҳал қилувчи финал учрашуви эса битта ўйиндан иборат бўлиб, Токиодаги бетафр майдонда ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз, янги тизимдаги Осиё чемпионлар лигаси мусобақасида Ўзбекистон шарафини "Бунёдор" ва "Пахтакор" жамоалари ҳумоя қилишади.

Кучлар тенг келганда

Россиянинг Элиста шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕнинг Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир давом этмоқда.

Унда дунёнинг ўн тўрт нафар кучли шахматчиси бош саврин учун дона сурмоқда. Улар орасида ҳамюртимиз, собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам бор. Рустам Қосимжонов биринчи турда франциялик Этен Бахрога қарши дона суриб, 0,5:0,5 дуранг натижага эришган эди. У иккинчи турда украинлик Павел Елянов билан ўрашди. Бу ўйин ҳам 0,5:0,5 дуранг натижа билан якунланди.

Иккинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Евгений Алексеев (Россия) — Вугар Гашинов (Озарбойжон) 0,5 : 0,5, Ван Юэ (Хитой) — Эрнесто Инаркевич (Россия) 0,5 : 0,5, Владимир Аюков (Арманистон) — Дмитрий Яковенко (Россия) 0,5 : 0,5, Александр Гришук (Россия) — Петер Лекс (Венгрия) 1:0, Иван Чапарин (Болгария) — Шахриёр Мамадиёров (Озарбойжон) 0,5 : 0,5, Этен Бахро (Франция) — Теймур Ражабов (Озарбойжон) 0:1.

Рустам Қосимжонов учинчи турда Теймур Ражабовга (Озарбойжон) қарши дона сурди.

Хоккейчиларимиз учинчи ўринда

Малайзияда чим устида хоккей бўйича эркаклар ўртасида Осиё кубоги мусобақалари якунланди. Биринчи бор ёпиқ иншоотларда ўтказилган нуфузли турнирда қитъанинг энг кучли олти жамоаси иштирок этди.

Кубок мусобақаларида Ўзбекистон терма жамоаси илк бор қатнашадиганлига қарамай, фахрли учинчи ўрнини эгаллади. Вакилларимиз бир ой муқаддам шу давлатда тақдирлаштирилган

Осиё чемпионлар лигасида ҳам бронза медаллари қўлга киритишга эди.

Асосийи, ҳар иккала мусобақада муваффақиятли қатнашганини учун терма жамоамиз аъзоларининг 17 нафарига халқаро тоифадаги спорт устаси унвони берилди.

Полвонлар Бухорода беллашишди

Бухоро шаҳридаги "Хумо" спорт мажмуасида миллий спортимиз — кураш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган беллашуларда мамлакатимизнинг барча минтақаларидан келган 400 нафардан ортиқ энг сара полвонлар ғолиблик учун майдонга чиқдилар.

Яқунда тошкентлик Хусан Осимов, Илхом Жўраев, Фазлиддин Мелиев, Тўлқин Салимов, бухоролик Жонибек Муқимов, Фарход Исаев ва Уктам

Бобоев ўз вази тоифаларида биринчи ўрнини эгаллашди. Қизлар ўртасида қашқадарёлик Дилфуза Абдурахимова, самарқандлик Нодира Гулова, Гулмира Исмаилова, бухоролик Шўхло Тоурсунова, тошкентлик Гуллола Норкулова ва Дилноза Қамбарова ўз вази тоифаларида олтин медаллар соҳиблари бўлишди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан arbobi Мурод ШАРИФХУЖАЕВИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақднларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси собиқ Устизқоболтаст давлат қўмитаси раиси Мурод ШАРИФХУЖАЕВИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА "Ботаника" ИИЧМ жамоаси етакчи олим ва устоз, биология фанлари доктори Қаҳҳор Ҳошимович ҲОЖИМАТОВИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда ақднларига чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Геология ва қончилик иши факультети Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси кафедраси дошенти Абдувоҳид Рашидович УМАРОВИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақднларига чуқур таъзия изҳор этади.

Истиқлол даврида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, ҳар бир олий ва ўрта махсус таълим муассасаси ҳаёт талабларига кўра аниқ ихтисослашувга эришиши, тараққиёт жараёнида ўз ўрнини топиши лозим. Наманган муҳандислик-педагогика институти ҳам мустақиллик йилларида ҳозирги ҳаёт учун зарур бўлган янги таълим йўналишини танлади. Бу ерда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бир босқичи бўлган касб-хунар коллежлари учун муҳандис-педагоглар тарбиялаб етиштирилмоқда.



МУҲАНДИС-ПЕДАГОГЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

Институти ана шундай аниқ ихтисослашув босқичига эришгунга қадар муайян тадрижий тақомил йўлини босиб ўтди. Бу таълим даргоҳи ўтган асрнинг 80-йилларида Наманган шаҳрида Тошкент Политехника ва Тошкент Машинасозлик институтиларининг атиги кичик бир филиали тарзида ташкил топган бўлса, мустақиллигининг илк йилида "Наманган санаят-технология институти" деб аталган олий ўқув юртига айланди. Аммо республикамизда бундай йўналишда кадрлар тайёрлаш билан бир неча олий ўқув юртлари баробарида шуғулланар эди. Ниҳоят, 1998 йилда институти ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Уша йилнинг 24 февраль кўни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил қилиш ва улар фаолиятини бошқариш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мана шу қарорга биноан, институти республикамизда, жумладан, Фарғона минтақасидаги касб-хунар коллежлари учун муҳандис-педагоглар тайёрлашга ихтисослаштирилди.

Табиийки, институти ўз олдига қўйган вазифаларни муносиб даражада уйдлаш учун шунга имконият берадиган моддий-техник базага, шунингдек, малакали профессор-ўқитувчилар жамоасига эга бўлиши лозим.

Наманган муҳандислик-педагогика институтида ўтган йиллар мобайнида бу икки йўналишда катта таълим даргоҳи рўй берди. Ҳозирги кунда таълим даргоҳида 25 та компьютер синфи, 64 та ўқув-амалиёт лабораторияси фаолият кўрсатмоқда. Улар 478 та замонавий компьютер, 24 та проектор, 48 та телевизор ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланган. Институти қошида йирик Ахборот-ресурс маркази мав-

патент билан тақдирланди. Институти олимлари пратанг янгиликлар ва иктиролар, жумладан, "Қизил раво" сув тозалаш иншооти, "Наманганвино" акциядорлик жамияти, консерва заводи ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамда корхоналар фаолиятига таъбиқ

этилиб, сезиларли ихтисосий самардорликка эришилди. Шу йил Тошкентда ўтказилган биринчи Республика инновация йўллари ва лойиҳалари ярмаркасида ушбу институти олимлари ўзларининг саккизта лойиҳа-ишланмалари билан қатнашдилар. Ярмаркада бу ишларга қизиқиш катта бўлди. Булардан ташқари, институтида 2007-2011 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар бўйича иккита давлат гранти асосида илмий-тадқиқотлар бажарилмоқда.



Айни пайтда, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг 45 фоизи қизгин илмий фаолият билан шуғулланмоқдалар. Жорий йил давомида улар томонидан амалга оширилган илмий ишлар ва иктироларнинг 7 таси

лик қасамеди деб тушунамиз ва барчамиз шунга амал қиламиз. Ниятим, момолардан мерос ана шу бебаҳо аънава-

Тадқиқот жараёнидаги излашчиларим сабаб кўплаб табиий бўёқ ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ўргандим.

Дилингда ниятларинг амалга ошишига бўлган ишонч ортса, янада руҳланиб кетаркансан, киши. Негаки ўтган йили "Келажак овози" танловида тиккан буюмларим билан қатнашиб, кўржининг республика босқичи ғолиби бўлдим ва бу муваффақиятим мени янада янги марралар сари интилишга ундади. Зеро, юртимизда биз, ёшлар учун билим, иктидор ва хунарни ишга солган ҳолда, қўзланган мақсадлар, эзгу ниятларга етиш учун барча шарт-шароит етарли.

Камола ҚОДИРОВА, хунарнамачи, Шаҳрисабз тумани

Саховат

Нукусдаги Бердақ номли Қорақалпоқ давлат музика театрида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг хайрия ўн кўнлиги очилиши маросими бўлди. Унда вазирликлар, ташкилот ва корхоналар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари иштирок этишди.

Кўнгиллارга қувонч улашиб

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти республикамиз аҳолисининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қўмак бериб келмоқда, — дейди жамиятнинг Қорақалпоғистон Республикаси қонғаш раҳбари Д. Даниёрова. — Ҳозирда 4,5 мингдан ортиқ акка-ёлғиз қариялар ва ногиронларнинг уйларига бориб хизмат кўрсатаймиз. Жорий йилда жамиятимиз томонидан 200 мингдан зиёд фўқорларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам берилди. Бундай фамхўрлик хайрия ўн кўнлигида ҳам давом этади.

Хидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шаҳрисабз каштачилиги тарихи олис ўтмишга бориб тақалади.

Зеро, момоларимиз қашта солиб тиккан дўппилар, улар ўтқизган гиламлар довуғи элларга дoston бўлган. Ушбу хунар билан шуғулланиши бугун биз ҳам онавий аънамага айланганмиз.

КАШТАЛАРДА ОФТОБ АКСИ

Ўзим каштачилиги онамдан ўрганганман. У киши якка тадбиркор сифатида иш бошлаб, каштачиликда қадимий аънаваларни тиклаш йўлини танлади. Натижада шу касб орқали элда ҳурмат қозондилар. Германия, Венгрия, Франция, Малайзияда тайёрлаган махсулотларимиз намойиш этдик. Онам тўққан бир гилам Париж шаҳрида доимий намойиш этиладиган кўргазма залидан жой олган. Шу боис онамнинг хунари билан танишган хориқликлар интернет орқали гиламларимизга буортма беришади.

Пойтахтимиздаги Кино музейида шу кунларда немис киноси ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.

Тошкент Гёте институти ташаббуси билан ташкил этилган мазкур ҳафталикда германиялик таникли режиссёрлар ижодиға мансуб киноасарлар ҳамда ёш ижодкорларнинг бадий фильмлари намойиш этилмоқда.

Немис санъати намойиши

Мутахассисларнинг қайд этишича, мазкур кинофильмларда умуминсоний қадриятлар мавзусига кенг ўрин берилган. Немис кино усталарининг реал ҳаётий воқеликага асосланган драматик фильмлари бугунги шиддаткор замон воқеликларига ҳамоханлиги билан эътиборлидир. Коловерса, актёрларнинг ўзига хос яроқ услуби, рамзий маънога бой бетакор тасвирий воситалар санъат ихлосмандларини беради қолдирмаслиги аниқ. Ҳафталик мобайнида, шунингдек, ҳужжатли фильмлар намойиши ҳам кўзда тутилган.

Муборак ОХУНОВА.

Қадрият

қўйлақ, чопон сингари буюмлар бор. Бу қадимий либослар асрлар ўтса ҳамки, хануз ял-ял товланиб, кўзани қувонтиради. Биз уларни кўз қорачигимизда асраймиз. Қизлар турмушга чиққанда биротдаги катта қўйлақни яхши ният ила эгачига қияди. Буни миллий қадриятларга содиқ-

МАДАНИЯТ хабарлари

«Ўзбекистон — умумий уйимиз»

Сирдарё вилояти халқ ижодиёти маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда вилоят Мазнавият тарғибот маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» широри остида тадбир ўтказилди.

Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи мазкур тадбир доирасида амалий санъат, хунармандчилик буюмлари ва миллий тоамлар кўргазмаси ташкил этилди. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда миллий аънавалар ва қадриятларни асраб-авайлашга катта эътибор қаратилаётганлиги, бу, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

Тадбирда "Сирдарё наволари", "Садбарг" бадий дасталари ҳамда "Нихол" болалар ансамбли ижросидаги концерт дастурлари намойиш этилди.

Мухтасар ҚАРИМОВА.

ЎЗБЕКИСТОНГА КОНВЕКТОРЛАРИ РАСМИЙ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ — «УКРАИНА БИЗНЕС МАРКАЗИ» МЧЖ

Минтақавий дилерларни ҳамкорликка чақирамиз, чегирмалар мавжуд!

АЛОҲИДА ҲОЛДА ИСТИШНИНГ ЯНГИЧА ЕЧИМИ!

Ўзбекистон Республикасида сертификатланган, газада ишлайдиган «АКОГ» иситиш конвектори:

- хонани тезда иситади;
• экологик тоза;
• белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;
• созувқа чиқмайди, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгармиши унга таъсир кўрсатмайди;
• газни тежаб сарфлайди;
• бионолар, коттажлар, офислар, кафелар ва дала ҳовлидаги уйлари иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Шунингдек, Украина ишлаб чиқарувчиларининг қуйидаги юқори сифатли махсулотларини етказиб берамиз: трансформаторлар, трансформатор подстанциялари, насослар, тиббий препаратлар ва тиббий ўсқунларни, металл махсулотлари, темир йўллар учун буюмлар, кунгабоқар ёғи, қандолат махсулотлари, озёқ-овақат махсулотлари ҳамда бошқа махсулотлар ҳаммабоб нархларда!

Тошкентдаги тел.: 242-93-73, 242-84-64, 158-85-75. E-mail: ubcazia@rambler.ru www.ubcazia.com

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзгонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50
Топширилди — 22.50

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусахҳхх — Х. Топшўжаев.